YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

2024-yil
12-dekabr
payshanba
№151
(5059)

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Kun iqtibosi

Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биламан. Шуни ҳам тушуниб етиш керакки, инсон – табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак.



Чингиз АЙТМАТОВ

Бугун Чингиз Айтматов таваллуд топган кун.

МАСЪУЛЛАР ИШЛАШГА ЛОЙИҚ(МИ?)

«ISHONCH» ракурси



Ўтган йилги ваъда:

Энергетика вазири **Жўрабек Мирзамаҳмудов** 2023 йилнинг декабрь ойида келаси йилдан Ўзбекистонда газ ва электр муаммоси бўлмайди, деб сўз берганди:

«Генерация тарафидан ишонтириб айтаманки, 2024 йилдан 100 фоиз ўз ички эҳтиёжимизни қоплаш имкониятимиз пайдо бўлади. Биз буни таъминлаймиз, бизга шундай вазифа қўйилган. Агар бу вазифани бажара олмасак, ўйлайманки, нафақат мен, балки тизимимиздаги барча масъуллар ишлашга нолойиқмиз».

Бу йилги ҳолат:

Қишнинг дастлабки кунидан бошлаб, баъзи жойларда газнинг босими тушиб кетди. Айрим жойларда чой қайнамаяпти, ҳатто... Баъзи жойларда чироқ ўчиши одатий ҳолга айланяпти... Метан қуйиш шохобчаларида турнақатор навбатлар...

Изоҳга ҳожат йўқ...



МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

меҳнат миграцияси соҳасида касаба уюшмаларининг ҳамкорлик стратегияси нималардан иборат?

Душанбе шаҳрида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари вакиллари учун «Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва меҳнат миграцияси соҳасида касаба уюшмаларининг ҳамкорлик стратегияларини илгари суриш» мавзусида халқаро анжуман ташкил этди. Унда сўзга чиққан миллий касаба уюшмалари марказлари вакиллари ўз мамлакатларидаги демографик, меҳнат бозори ва меҳнат миграцияси ҳолати, унинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг турмуш тарзида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтдилар. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Ғойибназарова сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, яшил иқтисодиётга ўтишда иш ўринлари яратиш масалалари, уларнинг ҳуқуқий асоси ва амалий тажрибалар, бунда касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида таҳлилий маълумотлар билан ўртоқлашди.

ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё шуъбаси мудири Сергеюс Гловацкас касаба уюшмалари қошида ташкил этилган колл-марказлар меҳнат мигрантларига меҳнат соҳасига оид маслаҳатлар бериб боришини ташкил этиш, меҳнат мигрантлари масалаларини миллий даражада Бош жамоа келишуви орқали ҳал этиш таклифларини билдирди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари томонидан меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни соғломлаштириш, ҳуқуқий маслаҳат бериш, меҳнатини муҳофаза қилиш каби йўналишлардаги ишларнинг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюроси катта мутахассиси Гоча Александриа бугунги кунда дунё бўйича 169 миллион киши ташқи меҳнат миграциясида экани, лекин улар ўша давлат фуқароларига нисбатан 25 фоиз кам иш ҳақи олиши, шунингдек, улар ўртасида мажбурий меҳнат хавфи ҳам юқорироқ эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, ХМТнинг барча қабул қилган конвенциялари, шу жумладан, 10 та асос солувчи конвенцияси меҳнат мигрантларига ҳам тааллуқлилигини, яъни меҳнат мигрантларида ҳам барча меҳнат ҳуқуқлари бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Анжуман якунида Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси томонидан билдирилган таклифларни умумлаштирган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритишга келишиб олинди.



Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида ушбу видео

205 000

марта кўрилган.

Сизга ҳам тавсия этамиз!





www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон.
Ҳамид ОЛИМЖОН



Бугун Ҳамид Олимжон таваллуд топган кун.

2024-YIL 12-DEKABR
PAYSHANBA
№ 151 (5059)

Жамоатчилик

НАЗОРАТИ КЎП МУАММОЛАРНИ ЕЧМОҚДА



Меҳнат муносабатлари тегишли қонун ҳамда ҳужжатларда тартибга солинган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 539-540-моддалари ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 37-45-моддаларида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Ваколат доирамиздан келиб чиқиб, ташкилот ва корхоналар, жамоаларда юқоридаги ҳужжатлар ижроси қай даражада таъминланганини ўрганиб келяпмиз. Афсуски, шу жараёнларда иш берувчилар жорий қонун-қоидаларга риоя қилишмаётгани, айниқса, меҳнат хавфсизлигига аҳамият беришмаётганига кўп гувоҳ бўляпмиз.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 51 та корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказдик. Шу жараёнда 232 нафар ходимнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқи бузилгани аниқланди ва тегишли тартибда бартараф этилди. Қонунчиликка зид қарор, буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатлар бекор қилинди. Камчиликларни бартараф этиш учун иш берувчиларга 47 та кўрсатма хати киритилди.

Шу аснода меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари сабабларини аниқлаш ва уларни белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўриш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Дамир ЭРДАШЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекцияси бошлиғи

Муқим иш ўрнига эга бўлиш осонмас. Айниқса, ёшинг элликдан ошганда... Тадбиркорларга учрашсангиз, нақд пулда ҳақ беришади. Нафақа ва бошқа имтиёзларни ўйлаб, ҳар кимнинг ҳам қонунда белгиланган тартибда ҳақ олгиси келади.

Каромат ИШЛИ БЎЛДИ

Хивалик Каромат Полвонова ҳам ўзига мос иш излади. Ёлғиз аёлга рўзғорнинг кам-кўстини тўлдириш осон эмас, ахир. Бир тарафда озиқ-овқат, бир тарафда коммунал тўловлар. «Темир дафтар»га киритилгани боис, озми-кўпми, имтиёзлардан фойдаланаётган бўлса-да, барибир, муаммоларнинг кети узилмайди. Тўғри, шу пайтгача маҳаллада ташкил қилинган жамоатчилик ишларида ишлаб келарди. Аммо улар ҳам вақтинчалик. Доимий иш сўраб, бир неча идора эшигини қоқди. Самара бўлмагач, шу йил 4 ноябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Мурожаат тегишли тартибда мутасаддиларга йўналтирилди.

– Хива шаҳар ҳокими Темур Давлетов шахсан мурожаатимни назоратга олди. Биринчи ўринбосари, Хива шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи билан бирга бир неча иш таклиф қилишди. Ободонлаштириш бошқармасида кўча супурувчи вазифаси менга маъқул бўлди. Бу ёшимга ҳам мос, ҳамиша қилиб юрган ишим. Хива шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Фарҳод ака ҳам ишчиларга қайишадиган инсон экан. Ишга киришиб кетдим, – дейди Каромат Полвонова. – Қадимий ва навқирон Хивамизнинг озодалигини сақлашга, ободлигини таъминлашга ҳисса қўшиш насиб қилганидан хурсандман.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



153 МИЛЛИОН СЎМ ундирилди

Халқ банки Бешариқ тумани филиалининг икки нафар ходимига 153 миллион сўм миқдорида компенсация пуллари ундириб берилди.

Гап шундаки, Зилолахон Мадаминова ҳамда Шоҳнигор Маҳмудова ушбу филиалнинг Пенсия ва нафақа тарқатиш бўлимида сайёр касса кассири лавозимида ишлаб келган.

Банк томонидан ходимларнинг 2023 йил ноябрь, декабрь ҳамда 2024 йилнинг март, апрель ойлари учун иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган ходимлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишган.

Ўрганишлар давомида ходимларга тўланиши лозим бўлган ойлик иш ҳақи иш берувчи томонидан ўз вақтида тўланмай келаётгани аниқланган.

Мазкур ишни кўрган суд ҳал қилув қарорига кўра, иш берувчидан банк ходими Шоҳнигор Маҳмудовага 70 миллион 754 минг сўм ва Зилолахон Мадаминовага 72 миллион 661 минг сўм ойлик иш ҳақи ва компенсация тўловлари ундириб берилди.

Бу шундай бир масканки...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Янгиер» санаторийси 2019 йили иш бошлаган. Неврологик, кардиологик, ҳаракат-таянч, гинекологик, урологик ва бошқа хасталикларга чалинганларни соғломлаштиришга мўлжалланган шифо маскани 226 ўринли бўлиб, бу ерда 85 нафар фидойи меҳнат қилади. Санатор-курорт ва сервис хизматини яхшилаш мақсадида бассейн ва сауна фойдаланишга топширилганига ҳам кўп бўлгани йўқ.

Дам олувчиларнинг ҳар бир куни мароқли ва мазмунли ўтиши учун турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар, эл севган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари, турли спорт мусобақалари... Айниқса, ишчи-ходимлар билан дам олувчилар ўртасидаги баҳслар ниҳоятда завқли кечади. Спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, футбол турлари бўйича яқинда уюштирилган беллашувларда иккала томон ҳам бўш келмади. Шашкада ходимимиз Абдусаттор Аҳмедов 1-ўринни эгаллаган бўлса, стол теннисида дам олувчи Ҳасан Тиллаев худди шундай натижани қайд этди. Волейболда хўжалик, футболда даволаш бўлимлари жамоалари шоҳсупага кўтарилишди.

«Ҳеч қачон бўш келманглар, ҳар доим бугунгидек ғолиб бўлинглар», деди санаторий директори Абдураҳим Муҳаммадиев совринларни топшираётиб, ғолибларни руҳлантирар экан.

Мутолаа учун ҳамма шароитларга эга кутубхона сара асарларга бой. Бу ерда китобхонлик борасида турли қизиқарли тадбирлар уюштириб турамиз. Тарихий обидалар, зиёратгоҳларга уюштирилаётган саёҳатлар дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Ховостепа ёдгорликлари уларда ўзгача таассурот қолдиряпти.

Бу масканда бир бор ҳордиқ чиқарган кишининг иштиёқи ортиши ҳам бежиз эмас.

Насиба ҚУВОНДИҚОВА,
«Янгиер» санаторийси кутубхона мудираси



Табиат муҳофазаси, муҳит мусаффолиги учун

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯШИЛЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ, ТАБИАТНИ АСРАШ, ЭКОЛОГИЯ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН «ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ, БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ЯНГИ БОҒЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 2024 ЙИЛ 21 ОКТЯБРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ АТРОФ-МУҲИТ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ ЎРГАНИШ УНИВЕРСИТЕТИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ВА КЕНГАЙТИРИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ЗАМИРИДА ҲАМ ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА КЎЧАТ ЭКИШ ИШЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Жиззах вилоятида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам бу борада салмоқли ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, Шароф Рашидов туманидаги «Шароф Рашидов», «Энержи», Зомин туманидаги «Юлдузча» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида қарийб 400 туп мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

– Юртимиздаги экотизимни ҳимоя қилиш ва тиклаш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш ва «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши муҳим қадам бўлди, – дейди департаментнинг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Б.Қосимов. – *Ҳозир ҳар бир оромгоҳимизда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари қизғин паллага кирган ва бу ҳаракат давомийлик касб этяпти. Қолаверса, оромгоҳларимизда тозалаш, ободонлаштириш, дарахтларга шакл бериш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.*

Қилинаётган ишлардан мақсад мавсум давомида болаларнинг мароқли ва мазмунли дам олишлари, соя-салқин, сўлим ва осойишта, гўзал табиат оғушида жойлашган оромгоҳларда ўз тенгдошлари билан бирга бўш вақтларини самарали ўтказишларидир.

Достон ЗОКИРОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Жиззах вилояти бошқармаси бош мутахассиси

Мурожаат ижобий ҳал этилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига Фарғона шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ходими Наргиза Зокирова бола парваришлаш таътилидан қайтгач, иш берувчи уни ишга қабул қилмагани, оқибатда ишсиз қолаётганидан арз қилган.

Ўрганиш давомида Н.Зокированинг меҳнатга оид ҳуқуқлари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Ходимнинг ҳуқуқларини тиклаш юзасидан келиб чиққан низо суднинг адолатли ҳал қилув қарорига асосан ўз ечимини топди. Иш берувчига Н.Зокировани аввалги лавозимига, бундай лавозим бўлмаган тақдирда, унга тенглаштирилган бошқа вазифага ишга қайтариш мажбурияти юкланди.

Шунингдек, мурожаатчи фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари ва иш ҳақи учун 9 миллион сўм, маънавий зарар учун эса 3 миллион сўм иш берувчидан ундириладиган бўлди.

Ноқонуний буйруқ бекор қилинди

Мунаввархон Акбаралиева Қува туманидаги 11-мактабда рус тили фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаётганди. Мактаб директори томонидан унга нисбатан шу йилнинг май ойида ҳайфсан интизомий жазоси қўлланилиб, ўзаро тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бундан норози бўлган М.Акбаралиева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўради.

Мурожаат ўрганиб чиқилгач, судга ариза киритилди. Суд мактаб директорининг буйруғини ғайриқонуний деб топди. Мунаввархон Акбаралиева ўз ишига тикланди. Унга мажбурий прогул кунлари учун 21 миллион сўмдан зиёд пул маблағи ундириладиган бўлди.

Банкнинг икки нафар ходими яна ўз вазифасига қайтди

Халқ банки АТ Ўзбекистон тумани филиали ходимлари Дилафрўз Тўхлиева ҳамда Ёқутхон Матбобоева билан тузилган меҳнат шартномаси корхонада штатлар қисқартирилгани сабабли банк томонидан бекор қилинади. Улар бундан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилишади ва ишга тикланишларида амалий ёрдам сўрашади.

Вилоят кенгаши мутахассислари аралашувидан сўнг ушбу низо суд томонидан кўриб чиқилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ҳар иккала ходим ҳам ишга тикланиб, ҳар бирига мажбурий прогул кунлари учун 30 миллион сўмдан ундирилиши белгиланди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

Хайрли аньонс

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ички туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари орқали иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини тарихий шаҳарлар, ҳудуддаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакиллари, маҳалла фаоллари учун «Самарқанд» шаҳрига саёҳат уюштирилди. Сайёҳлар кўҳна шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор масканлари билан яқиндан танишдилар.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими





Шубҳасиз, эл-юртни севиш керак, бундай туйғудан маҳрум кишининг махлуқдан фарқи бўлмайди, бироқ эл-юртни севиш туйғуси самимий бўлиши керак. Ким ўз Ватанини, ўз халқини, ўз тилини, ўз урф-одатини севмаса, у бошқа миллатни севолмайди.

Мамадали МАҲМУДОВ

Бугун Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) таваллуд топган кун.

Ishonch
3

ҚАРШИМИЗДА Z АВЛОД



ЖАМИЯТ УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИ?

Илм-фан ва технологияларнинг тезкор ривожланиши луғатимизга янгидан-янги атамаларни киритиб, авлодлар назарияси каби тушунчаларни янада долзарблаштирмоқда. Уильям Штраус ва Нил Хоув томонидан ишлаб чиқилган бу назария авлодлар дунёқарашини шакллантирувчи тажрибаларга эътибор қаратади.

Бу назария, гарчи дастлаб Америка тарихига асосланган бўлса-да, кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам қўлланила бошланди. Бироқ ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари туфайли хронологик даврлар фарқ қилади. Бугунги кун тадқиқотлари яқин 10 йилда Z авлод ҳар қандай ташкилотнинг асосий ишчи кучига айланиши ҳақида гапирмоқда. Хўш, жамият уларни қабул қилишга тайёрми?

Z авлод билан ҳамкорлик қилиш осон кечмаслиги аниқ. Чунки ўзини севиш ва ишларга қизиқишнинг тез пасайиши каби ўзига хос ҳолатларни ҳазм қилиш анча қийин. Ушбу авлод, одатда, «интернет авлоди» сифатида ҳам тавсифланади, улар гаджетлар билан ухлаб, гаджетлар билан уйғонишади. Кўпинча, лоқайдлик, таваккал қилишга мойиллик ва рақамли технологиялар оқибатларини чуқур тушунмаслик қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Мавжуд ютуқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Z авлод вакилларининг аксарияти ижтимоий ва сиёсий масалаларда фаол, тезкорлик ва факт-чекинг борасида ўта уддабурон, молиявий мустақиллик ва мослашувчанликка интилиши туфайли тадбиркорликка ва ўз имкониятларини яратишга мойил. Гигант компаниялар ва онлайн платформалар бу тенденцияни қўллаб-қувватлашади.

Z авлод вакиллари орасида психик касалликлар юқори даражада учраётгани ҳам бор гап. Китоб ўқиш ўрнига электрон қурилмаларга ҳаддан зиёд кўп вақт сарфлаш уларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўплаб ўсмирлар интернет кафелар ва кўнгилочар жойларда ўзлари ўзгаришлар ва ташвишларни енгиш учун психотроп моддаларни истеъмол қилишмоқда. Бу уларнинг соғлиғи ва келажаги учун хавфлидир.

Жиддий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган яна бир муаммо – смартфонлардаги ўйинлар, фотосуратлар ва видеоларнинг улар руҳий ҳолатига таъсиридир. Телефонида тўпланган коллекция уларнинг ёшига мосми, руҳий саломатлигига салбий таъсир қилмаяптими, деган саволлар кишида хавотир уйғотади. Баъзи ҳолларда бу жисмоний зўравонликка ҳам олиб келиб, ижтимоий мослашувчанлик муаммоларига сабабчи бўлмоқда.

Дунё бўйлаб 2003-2012 йилларда туғилган Z авлоднинг бешдан бир қисми ўзларини «Питер Пен болалари» – NEETлар (not in education, employment or training) (ўқимаган, ишсиз, ҳаракатсиз) деб атамоқда. Бу ёшлар, машҳур эртак қаҳрамони сингари, катталар ҳаётининг муҳим босқичларидан – олий маълумот олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва ишга жойлашишдан қочишмоқда. Уларнинг танлови: ҳеч нарса қилмаслик. Бу эса бутун дунё бўйича ёшлар ўртасида ишсизлик рекорд даражада ўсишига олиб келяпти.

Таълим олишга, ишлашга ёки касб ўрганишга қизиқмайдиган ёшлар, расман «NEET» деб таснифланади. Ўзбекистонда ҳам улар «уюшмаган ёшлар» деб аталгани муҳокамаларга сабаб бўлган эди.

15-24 ёш оралиғидаги NEETлар на ўқийди, на ишлайди, на касбий тайёргарликдан ўтади. Оқибатда улар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан четлатилиш хавфи остида яшашга мажбур..

Жаҳон бўйлаб NEETлар сони кўпайиши иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ. Кўплаб ёшлар таълимни давом эттириш ўрнига, дарҳол иш излашга мажбур бўлади. Бироқ иши ўнгидан келмаса, умидсизлик ва NEET ҳолатига олиб келувчи ҳафсаласизлик кузатилади. Испанияда ярим миллиондан ортиқ, Буюк Британияда эса деярли уч миллион Z авлод вакили иқтисодий фаолиятдан четлашган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Европа давлатларида юқори нарх-наво туфайли иш ҳақини тўплаб, уй сотиб олиш имконияти деярли йўқ. Натижада ёшлар ўз ҳаракатларининг самарасизлигидан умидсизликка тушадилар.

Қисқаси, NEET феномени ота-оналар фарзандлари келажаги ҳақида ташвишланишга сабаб бўлаётган долзарб муаммодир. Унинг олдини олиш ва ечим топиш учун иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, таълим тизимини қайта кўриб чиқиш ва ёшларнинг руҳий саломатлигига эътибор қаратиш зарур.

Z авлоди – технология асрида етишиб улғайган, ижтимоий масъулиятли ва инновацион фикрлашга эга авлод. Уларнинг технологик саводхонлиги, мослашувчанлиги жамиятга улкан ҳисса қўшиш имкониятини беради. Бироқ руҳий саломатлиги, алоқа услублари ва анъанавий иш муҳитларига мослашиши масалалари ҳам эътиборга олиниши керак. Муваффақиятли интеграция учун ўзаро ҳурмат, тушуниш ва мослашувчанлик зарур. Асосийси, Z авлоднинг кучли ва заиф томонларини биргаликда таҳлил қилиш орқали жамият уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам бера олади.



Машҳура ЖЎРАҚУЛОВА
«ISHONCH»

ЎЗБЕК «INSTAGRAM» СЕГМЕНТИ — ГУРУЧСИЗ КУРМАК



«Instagram» ижтимоий тармоғининг 70 фоиздан ортиқ фойдаланувчилари ёшлардир. Уларнинг эса бешдан тўрт қисми «Instagram»дан фаол фойдаланади.
Менинг ижтимоий тармоқларсиз замон билан боғлиқ хотираларим йўқ, лекин тушунчаларим бор. Шундай даврда яшаш имкони топилганида у қандай бўлиши ҳақида аниқ тасаввурим ҳам йўқ, аммо қўрқувим бор.
Биз тенгиларни «Z авлод», «Рақамли авлод» ёки «Замон болалари» деб турлича номлашади. Албатта, таъна-дашномлар, иддаолар ва солиштиришлар ҳар қайси давр одамлари ўртасида кузатиладиган табиий жараён. Мен ҳозир бу жараёндан холи туриб «гапирмоқчиман».

РАҚАМЛИ ТАРИХ

Юқорида қайд этганимиздек, ўзбек ёшлари аудиториясида энг ривожланган ижтимоий тармоқ «Instagram» бўлиб, 80 фоиз фойдаланувчилари ёшлардан иборат. «Instagram» уларнинг визуал кундалиги, портфолио ёки бизнес саҳифасидек гап. Дастурни дунё бўйлаб 26 фоиз, яъни 2,4 миллиард одам ўз гаджетларига ўрнатган. Бу дегани, шунча киши рақамли тарих яратяпти. Нафақат шахсий, балки давр тарихини, колоритини, миллат одамлари руҳияти, кайфияти, иқтисодиёти тарихини ҳам муҳрлашмоқда. Дейлик, мен айни дамда Туркия аҳолиси, уларнинг яшаш тарзи билан қизиқа бошладим. Бунинг учун том-том китоблар ўқишим, интернетдан маълумотлар қидиришим шарт эмас, бир нечта ижтимоий фаол инстаблогерларни кузатишимнинг ўзи етарли бўлади. Уларнинг кунлик ҳаётлари, ижтимоий муаммолар, харидлар ҳақидаги маълумотларни ва влогларини жойлаб бориш орқали менда визуал тасаввур ва тушунчалар пайдо бўлади.

Хўш, бизда-чи? Бизда бу тарих қандай яратиляпти?

СУИЦИД ВА ДЕПРЕССИОН ИММУНИТЕТ

Коронавирус пандемияси даврида (карантин сабаб) ўзбек «Instagram» саҳифалари ва аудиторияси кескин ошиб, ривожлана бошлади. 4 йил давомида унинг саҳифалари орқали шахсий бренд яратган ва даромадга чиққан 100 нафардан ортиқ турли йўналишда фаолият юритувчи блогерлар пайдо бўлди. Аксарияти миллиондан ортиқ кузатувчисига эга бу блогерлар катта аудитория билан ишлар экан, бемалол манипуляция қилиши, ўзларини бахтли кўрсатиши, синалмаган маҳсулотлар рекламаси билан ишлаши ва исталган мавзуда контентлар юклаб бориши мумкин.

Бу ҳақда ижтимоий фаол олима Барногул САНАҚУЛОВА ўз «Facebook» саҳифасида шундай деб ёзади:

– «Instagram»ни 6 ой давомида диққат билан кузатиб, шундай хулосага келдимки, у ижтимоий тармоқлар орасида суицидга, депрессияга туширувчи энг олд тармоқ ҳисобланар экан. «Instagram»да ҳамманинг ҳаёти идеал, ҳамма бой ва бахтли гўёки! Аслида унақа эмас (аксарият машҳур инстаблогерларни шахсан танийман), контент учун, аудитория йиғиш, ушлаб туриш, қизиқтириш учун улар ижтимоий тармоқ оламида шундай яшашга мажбур ва маҳкум. Чунки шунақа – ўзлари ўйлаб топган «инста бахтли ҳаёт» уларни боқади, пул ишлаш манбаи ҳисобланади... Ва бу йўлда улар кунпа-кундузи ёлғон гапиришга, чиройли ҳаёт ясашга, бахтли бўлиб кўринишга мажбур! Қай бирлари буни билиб, ақли етиб, эртага барибир бир кун жавобини беришини тушуниб қилаётган бўлса, бошқалари бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўришмайди. Нима бўлганда ҳам, бунақа пайт инстаблогерлар ўзлари ортидан «рақамли тарих» яратиб, муҳрлаб боришяпти. Бу тарихни улар на ўчира олади, на йўқота олади... Шу фактни улар тушуниб қўйишса, яхши бўларди. Чунки бу «рақамли ижтимоий тарих» эртага болалари келажагига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин...

Лекин ҳозир мени бошқа муаммо ўйлантиряпти. Бугунги кунда бу бахтли инстаблогерлар манипуляцион иммунитети заиф бўлган жудаям кўп аёлларимизни депрессияга тушириб, эрлари билан жанжаллашишига сабаб бўляпти. Деярли ҳар куни менга мурожаатлар бўлади. Кўпчилиги оддий, уйда ўтирган аёлларимиздан. Улар менга ҳаёти нега ўшаларникидек эмаслигидан нолиб, улардек яшашлари учун нима қилиш кераклигини сўраб ёзишади. Мени таҳликага солгани: бу аёллар орасида ўқиган, давлат ишида ишлаётган, лекин кам маош оладиган аёлларнинг ҳам борлиги... Аксарияти эри билан айнан шулар сабаб чиқишолмай қолаётгани, оиласида қўп жанжал бўлишини ёзишган! Яна бир гуруҳ аёллар эса эрлари бу инстаблогерларни кузатиб бориши, ҳавас қилиши ва уларга ўхшашини талаб қилишидан нолиб ҳам ёзишади. Демак, бу масалада нафақат аёлларимиз, балки эркакларимиз ҳам ёрдамга муҳтожлиги сезиляпти.

Барногул Санақулова, шунингдек, манипуляцияга мойил, шахсий фикри етарли даражада шаклланмаган, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти нўноқ аёллар, оналар, қизлар, ўсмирларни огоҳлантиришимиз, ҳимоялашимиз, улар бундай ҳолатларнинг қурбони бўлиб қолмаслиги учун онгини ғоявий қуроллантиришимиз зарур деб ҳисоблайди. Айниқса, бундай нохушликлар келгусида қандай ижтимоий жароҳатлар келтириб чиқариши мумкинлигини тушунган жамоатчилик фаоллари жим қараб турмаслиги кераклигини таъкидлайди.

ЎЗБЕК «INSTAGRAM» СЕГМЕНТИДА МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

Қайси соҳа ёки тармоқ ўта тез ривожлана бошласа, унда сифатсиз маҳсулотлар кўпайиши табиий ҳол. Ижтимоий тармоқлар ҳам чақмоқ тезлигида оммалашгани сари унда онг ва руҳга салбий таъсир кўрсатувчи контентлар пайдо бўла бошлади. Фойдаланувчилардан аксариятининг ҳуқуқий билими озлиги ва тармоқлардан фойдаланиш маданияти етишмаслиги туфайли улар қонунбузарликларга йўл қўяётгани ва қонуний жазога тортилаётганлари ҳақида тез-тез ўқиб турибмиз. Миллиондан ортиқ аудиторияси бор блогер ва вайнерлардан баъзилари ҳам ноқонуний маҳсулоти учун маъмурий жавобгарликка тортилган ҳолатлар учрамоқда.

Албатта, ўзбек сегментида миллий контент ривожланишига хизмат қилаётган, шахс ўз устида ишлашига, маҳоратини оширишига, экологик билимларини мустаҳкамлашига ёрдам берадиган, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёритилган материаллар, ахлоқий нормаларга жавоб берадиган ибратли видеомаҳсулотлар ҳам кўп. Аммо уларнинг обуначилари ҳаминқадар. Масалан, шахсий ҳаёти ва суратлари билан аккаунт юритадиган блогер Парисода Усмонованинг 1,9 миллион обуначиси бор, бироқ экологик муаммолар ва маданият ҳақида қизиқарли материаллар тайёрлайдиган экоблогер «Ўрикгули» (Мўътабар Хушвақтова)нинг кузатувчилари сони бор-йўғи 74,9 минг кишини ташкил этади. Ҳар икки профил постларининг шарҳлар қисмида фикрлашлари бир-бириникидан кескин фарқ қиладиган минглаб одамларни учратишингиз мумкин.

Бу таққослов ҳам одамларда енгил-елпи нарсаларга қизиқиш кучли эканлигидан далолат беради. Айниқса, мактаб ёшидаги, шахсий фикри тўлиқ шаклланмаган болаларнинг бу тармоқда кераксиз ва маиший маҳсулотлар жуда кўплиги боис фойдали контентгача етиб келиши анча мушкул.

УНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Биринчи ва энг тез натижа берадиган йўл – «Instagram»да фойдали контентларни ва аккаунтларни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш. Чунки гуруч курмаксиз бўлмайди, курмак гуруччиз эмас!

Иккинчидан, мактаб ёшидаги болаларнинг бу борадаги тушунчаларини кенгайтириш учун эски ва зерикарли давра суҳбатларидан воз кечиб, ноодатий усулдан фойдаланишимиз ва ушбу мавзуга сурункали равишда ОАВ вакилларини жалб этишимиз керак.

Учинчидан, инстаблогерлар контентларини масъул ташкилотлар диққат билан кузатгани, ноқонуний ва манипуляцион чиқишлардан огоҳ бўлиб тургани маъқул.

Аслида, ҳар қандай имкониятдан тўғри ва унумли фойдаланилса, қайтадан «Америка очиш» мумкин. Бунинг учун эса иммунитет ва соғлом қараш бўлиши керак. Энг муҳими, «Instagram» ёшларни эмас, ёшлар тармоқни тўғри ривожлантирсалар, истиқболдан умид қилса бўлади!



Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»



ЯҚИНДА САМАРҚАНДДА 8-СИНФ ЎҚУВЧИСИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЛГАНИ ВА БИР НЕЧА КУН ДАВОМИДА БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЗЎРЛАНГАНИ ҲАҚИДАГИ ХАБАРДАН ЭТЛАР ЖУНЖИКДИ...

РУҲИЯТДАГИ БУЗИЛИШНИ ТЎҒРИЛАШ КЕРАК!

Биз воқеа тафсилотлари-ю номус ўғриларининг кирдикорларига тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Аммо Қўшработда бўлганимизда, унинг турлича талқинига дуч келдик. Ҳали оғзидан она сути кетмаган гўдакнинг қай тахлитда кўзи «қонга тўлган» гуруҳ чангалига тушиб қолишининг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Бизда жиноятчиликнинг сабаблари билан эмас, оқибатлари билан курашиш урфга айланиб қолди чоғи.

– 8-синф ўқувчиси М.Р. (исм-шарифи ўзгартирилди) руҳиятидаги ўзгариш жорий йилги ўқув йили бошида яққол кўзга ташланганди, – дейди Қўшработ туманидаги 85-умумтаълим мактаби амалиётчи психологи Дилшода Аблахатова. – 6 сентябрь куни у билан психологик суҳбат ўтказдим. Унинг руҳиятидаги салбий ўзгаришлар оилавий муҳитга боғлиқлигини, унга ота-онаси кам эътибор қаратаётганини билдим. Шу кундан уни алоҳида назоратга олиб, руҳиятида ўзгариш ясашга интилдим.

Мактаб жамоасининг уринишлари, яъни ўқувчининг оила аъзолари билан ҳамкорлиги натижа бермаган. Ўн беш ёшли қизалоқнинг сабабсиз дарс қолдириши давом этади. 16 сентябрь куни мактаб маъмурияти вакиллари, синф раҳбари, амалиётчи психолог ва мактабга бириктирилган миллий гвардия ходимидан иборат гуруҳ М.Р. хонадонида бўлиб, унинг руҳиятидаги ўзгаришни оила аъзолари иштирокида муҳокама қилишади. Аммо бу мулоқот ҳам кўзланган натижани бермаган. Синф раҳбари К.Турсуновнинг 18 сентябрда мактаб директори номига киритган билдиргисида М.Р. ўқув йили бошлангандан бери 36 соат дарс қолдиргани, машғулотларга мутлақо бефарқлиги, олиб борилган профилактик ишлар ҳеч қандай натижа бермаётганлиги баён этилган ва маъмуриятдан ўқувчини ички рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Айнан қиз йўқолган кун – 23 сентябрда М.Р. хонадонида маҳалла хотин-қизлар фаоли иштирокида ўқувчининг руҳий ҳолати юзасидан яна мулоқот бўлган.

– Ўқувчимиз руҳиятидаги салбий ўзгаришдан қаттиқ ташвишландик, – дейди 85-умумтаълим мактаби директори Олим Примқулов. – Россияда ишлаб юрган онасига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим. Тезда уйга қайтишини сўрадим. 25 сентябрда туман ички ишлар бўлимига хат билан чиқиб, шу кунгача 41 соат дарс машғулотларига қатнашмаган ўқувчининг ота-онасига нисбатан қонуний чора кўришларини сўраганим ҳам рост.

Барча дардларини ичига ютиб юрган мурғаккина қизнинг қандай қилиб бир тўда номус ўғрилари қўлига тушиб қолгани-ю воқеанинг бошқа тафсилотларига тергов жараёнларида аниқлик киритилар.

Қўшработдаги ҳунук воқеада айбланаётганларнинг бир нафари прокуратура ходими ва қолган уч нафари унга қариндош эканлиги айтиляпти. Қонун посбонининг қабоҳат ботқоғига ботганини, оғир жиноят эканини била туриб, бу ишга қўл урганини сира оқлаб бўлмайди. Ижтимоий тармоқларда билдирилаётган қизнинг ўғирланиши ва жиноятни расмийлаштиришдаги тўсиқлар борасидаги иддаоларда ҳам жон бордек. Кимсан, прокурорнинг пинжида бўлган эркатойга «тиш ботириш» осон бўлмагандир балки. Нима бўлганда ҳам, кечроқ бўлса-да, қонун устуворлиги сари муҳим қадам ташланди.

Воқеадан биргина мактаб жамоаси ўртанди, мактаб ёнди. Жамоага қўшилиб, миллий гвардиядан бириктирилган ҳуқуқ инспектори ҳам жим тургани йўқ. Аммо мундир билан руҳиятни соғломлаштириб бўлармикан?.. Қолаверса, айнан шу мактабдаги ҳуқуқ инспектори тумандаги яна ўнта мактабга масъул. У мактаблардаги интизом назорати учун бир кунда ўттиз-қирқ чақирим масофани босиши керак. Боз устига, бизга алифбони билишдек муҳим ва зарур бўлган руҳиятни англаш сабоғидан аллақачон воз кечилган бир шароитда.

Ўзини англай олмаган одам бу ҳаёт йўлларида қоқилиши, суриниши мумкин.

– Худди шундай кўргулик бизнинг таълим даргоҳимиз бошига ҳам тушмаса эди, – дейди Қўшработ туманидаги олис қишлоқ мактабларидан (исм-шарифини ёзмаслигимиз сўралди) бирининг ўқитувчиси. – Чунки 10-синфда ўқиётган қизимизни салкам ўн кун йўқотиб қўйдик. Яқинлари Самарқанддан топиб келишди. Мактабимизда психолог мутахассиси йўқ. Сиртқи бўлимда ўқиётган талабаларнинг бу вазифага ишга қабул қилиниши тақиқланган. Биноийдек оиланинг фарзанди нега бу кўйга тушганига ҳайронмиз.

Минг афсуски, ёшлар руҳияти бугун жамиятда энг долзарб ва муҳим муаммолар қаторидан жой олиб улгурди. Арзимас кундалик муаммолар уларнинг тасаввурида хатарли тус оляпти. Бу эса юқоридаги каби ҳолатларнинг урчишига «замин» яратмоқда.



Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Ўзбек адабиётида икки шеърият чашмаси биз, шеърият шайдоларининг қалбини баҳор шабадасидек мусаффо, гул баргидаги шабнамдек тиниқ, булбул навосидек ёқимли, тоғ шалоласидек жўшқин ҳис-туйғулари билан поклаб турибди. Булар Ҳамид Олимжон ва Зулфия чашмаларидир.

Наим КАРИМОВ

Бугун атоқли адабиётшунос Наим Каримов таваллуд топган кун.

2024-YIL 12-DEKABR
PAYSHANBA
№ 151 (5059)



УДУМЛАР УНУТИЛГАНДА...

ДАВРАЛАРДА, КЎЧА-КЎЙДА «ФАЛОНЧИ АКА ҲАЖДАН ҚАЙТИБ, УНДОҚ ҚИЛИБДИ», «ПИСТОНЧИ АКА НЕВАРАСИНИНГ ТЎЙИГА БУНДОҚ ҚИЛИБДИ», ДЕГАН ГАП-СЎЗЛАРНИ ЭШИТИБ ҚОЛАМИЗ. КЎПЧИЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУНДА-ШУНДА «ЙИГИТ ШАРЪИЙ НИКОҲИ-ДАГИ АЁЛИНИНГ СОБИҚ ТУРМУШ ЎРТОҒИНИ СЎЙИБ ЎЛДИРДИ», «БОҒЧА МУДИРАСИ БОЛАЛАРНИНГ ҲАҚИНИ ОЛИБ КЕТАЁТГАНИДА ҚЎЛГА ТУШДИ», «13 ЁШЛИ ҚИЗ ЎГАЙ ОТАСИДАН ҲОМИЛАДОР» ҚАБИЛИДАГИ БИР ТАЛАЙ ҚИЙЛУ ҚОЛЛАРГА КЎЗИ ТУШАЁТГАНИ ҲАМ БОР ГАП.

Бундай «шов-шув»лардан олис Қўнғироддан тортиб, Бағдоднинг энг чекка қишлоғидаги одамлар ҳам бохабар бўлаётгани аниқ.

Бироқ биз ҳозир сўз юритмоқчи бўлган мавзу бу ҳақда эмас. Қадимий анъана ва урф-одатларга асосланган азалий қадриятларимизнинг парчаланиши, бошқача айтганда, хоҳиш-истак ва майлларга ҳаддан зиёд эрк бериш оқибатида юқоридаги каби турфа воқеалар юзага келаётгани хусусида.

Хўш, қадрият ўзи нима: у эркин танловми ёки боқий мерос?

Қадрият турли соҳаларда хилма-хил маънода қўлланилади. Лекин мазкур тушунчани, аввало, инсоннинг дунёқараши муносабатларини белгиловчи фалсафий категорик элемент сифатида қабул қилиш мумкин.

Қадрият сўзининг асл маъноси (лотинча — valere) инсоннинг жисмоний ҳолатини ижобий баҳолашни англатади ҳамда соғлиқ, куч ва тананинг мустаҳкам тузилишини кўрсатади. Ваҳоланки, кўплаб олимлар қадрият тушунчасини воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўллайди.

Аслида қадрият аксиологияга хос тушунчадир. У фақат буюм ва нарсаларнинг қийматинигина эмас, балки жамият ва инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг ижтимоий аҳамияти, фалсафий мазмуни, объектив асоси, субъектив жиҳатлари ҳамда унинг намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларининг қадрини ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Шу нуқтаи назардан, қадрият инсон ҳамда жамиятнинг ажралмас таркибий қисми, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, вақт ва макон континуумида миллионларни ўз ортидан эргаштиришга, уларни муайян мақсад сари етаклашга, айрим ғоялар атрофида бирлаштиришга хизмат қилади.

Майли, асосий мавзудан чалғимайлик. Биз юқорида қадриятлар эркин танловми ёки боқий мерос, деган саволни ўртага ташлагандик. Аслида қадриятлар эркин танловнинг ҳам, боқий мероснинг ҳам амалдаги инъикоси бўлиши мумкин.

Хусусан, бугун биз асрлар синовидан ўтиб, бизгача етиб келган айрим анъана ва урф-одатларни боқий мерос сифатида таснифлайдиган бўлсак, кундалик турмушда кузатаётганимиз — айрим кимсаларнинг кимўзарлик ёки нафсга берилиб, шахсий майл ва истакларини қондиришга бўлган уринишларини ана шу эркинлик, эркин танловнинг ёрқин ифодаси сифатида тавсифлаш мумкин.

Кейинги вақтларда жамиятдаги турфа воқеликларни синчиклаб кузатсак, бу икки тушунча ўртасидаги фарқ ҳам тобора эркин танлов сари оғиб бораётганига амин бўламиз. Узоққа бормайлик, атиги

10-15 йил

илгари шарқона андиша, ор-номус ва уят сингари қадриятлар орқали муайян мақсадга эришилган бўлса, эндиликда шахсий либидо деган эгоистик детерминатор туфайли турли миссия ва аъмоллар бажарилаётгани барчага аён.

Энг ачинарлиси, орамизда бундай воқеликларга муросасизлик эмас, аксинча, истеъмолчилик талаби ортиб бораётир. Ана шундай ҳолатларда атоқли туркман шоири Махтумқулининг сўзларини хиёл таҳрирлаб айтганда, замин қайси, замон қайси, дея ўйланиб қолади одам...

Тўғри-да, ахир тарихда ўз ор-номуси, ақлу закоси ва марҳамати билан танилган буюк миллатимиз бугун «Биз итнинг кейинги оёғимиз», деб ўз хато ва камчиликларини хаспўшлашга, номақбул амалларини кўз-кўзлаб, ҳаловат топишга, номаҳрам аёлнинг хонадонида қўлга тушиб, «оналарига укаларидекман», дея кўксини керишга ва не ажабки, «запал»ларни кенг омма олдида овоза қилишга куч топаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракатини қандай тушуниш мумкин?

Ғалати парадокс, тўғрими? Эҳтимол, буларнинг бари эркинликнинг, эркин танловнинг салбий кўринишидир?

Бу саволга тўхталишдан олдин француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг «Горио ота»сига эътибор қаратсак.

...Горио ота рафиқаси вафотидан сўнг қизлари — Анастази ва Делфинанинг яхши яшаши, кўнгли ўксимаслиги учун борини бериб, уларни маликалардек вояга етказади.

Аммо бош қаҳрамоннинг эрка ва шаддод қизлари шу даражада эркин, калтафаҳм ва худбин бўлиб вояга етишадики, ҳатто Горио ота ўлим тўшагига михланиб қолганида ҳам падарини кўргани боришмайди. Аксинча, оиласи, фарзандлари бўла туриб, турли балларга боришни, маъшуқлари билан қимор ўйнаб, маишат қилишни канда қилишмайди. Лекин отасининг боқий дунёга рихлат этар чоғида ундан хабар олишдан ва энг ачинарлиси, Горио ота вафот этганидан сўнг ҳам унинг дафн маросимида қатнашишдан орланишади.

Айни воқеликларга бевосита гувоҳ бўлган қишлоқлик талаба Эйжен Растиняк эса ўзи интилаётган эркин жамиятдан, унинг чиркинликларидан нафратланади. Негаки, бундай ҳолат ва манзара Растиняқдек ғўр бола учун ҳали ёт қадрият эди... Ваҳоланки, ўша давр ва ўша маконда айни ҳолатда яшаш кундалик турмуш тарзига айланганди.

Буларнинг барчаси меҳр-оқибат, жонкуярлик, фарзандлик бурчини адо этиш сингари соф инсоний туйғуларга тама аралашганини, жамиятда бағритошлик, худбинлик, боқимандалик ва бепарволик авж олганини, янаям аниқроғи, эркинликнинг чегараси бўлмаса, одамлар таназзулга учрашини кўрсатади.

Аслида башарият тарихида ўз ҳоҳиш ва истаклари ҳамда шахсий майлларига зўр бериб, инқирозга юз тутган бундай жамиятлар, халқлар кўп. Биз бунинг тасдиғини узоқ ва яқин ўтмишдаги кўплаб мисолларда ҳам кўрдик, гувоҳ бўлдик.

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёевнинг *«...Биз ҳозирги кескин шароитда гоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?» деган саволларни ўртага қўйиб, «Агар биз бу ёруғ дунёда «ўзбек», «Ўзбекистон» деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт»*, дея барчамизни огоҳлигу ҳушёрликка чорлаётгани ҳам асли шундан.

Шу маънода, биз миллий қадриятларимизни унутиб, унинг оҳорини тўкишга, «эркин танлов» ниқоби остида ўзга миллатларнинг урф-одат ва анъаналарини ўзлаштиришга асло ҳаққимиз йўқ. Аксинча, хаёлимиздан бироз кўтарилган ва асрлар силсиласида ўзгариб келаётган қадриятларимизни янада жонлантиришимиз ва уларни тўғри ўзанга йўналтиришимиз, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиганларини эса реал ҳаёт воқелигига мувофиқлаштиришимиз керак.

Дарвоқе, энди юқоридаги саволга қайтсак. Бугун ўзбек жамиятида юзага келаётган парадоксал ҳолатнинг боиси эркин танловга эргашиш ортидан ўтмиш билан келажак ўртасидаги қадриятларнинг муҳим нормаларини ёддан чиқариб қўяётганимизда намоён бўляпти. Худди француз жамияти янглиғ!

БИЗ БУ ЎРИНДА ЭРКИН ТАНЛОВ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ШАКЛЛАНИШНИ ҚОРАЛАШДАН ЙИРОҚМИЗ. АЛҲОЛ, ЭРКИН ТАНЛОВ ЖАРАЁНИДА ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЭВРИЛИШЛАР БЎЛИШИ – ТАБИИЙ. ҚУДДИ ШУ ЎЗГАРИШЛАР ТАЪСИРИДА ТУРФА НОҚУЛАЙЛИКЛАР КУЗАТИЛИШИ МУМКИН, БУ ҲАМ ҲАҚИҚАТ. ЛЕКИН МУҲИМИ ШУКИ, ЭРКИН ТАНЛОВ АСОСИДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН ҚАДРИЯТЛАРГА ШИКАСТ ЕТКАЗМАСЛИГИ, УНИНГ ЕМИРИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛМАСЛИГИ ШАРТ. ЯЪНИ ЭРКИН ТАНЛОВНИНГ ЧЕГАРАСИ ШУ ЕРДА НИҲОЯ ТОПМОҒИ ЗАРУР. БУНГА СИЗУ БИЗ, ЎЗИМИЗ БУГУНДАН БОШЛАБ НУҚТА ҚЎЙМОҒИМИЗ КЕРАК.



Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ,
журналист

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Hahanov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:20
Topshirildi – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 010 ta
Shundan:
7 128 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1212



МЕНИ МЕНГА ИШОНГАН ОЛАМ

Истаган кун кетишим мумкин,
На сўз, на бир хабар қолдириб,
Юрагимни ёқишим мумкин,
Оловларда баланд ёндириб.

Оловларда баланд ёндириб,
Истаган кун кетишим мумкин.
На сўз, на бир хабар қолдириб,
Юрагимни ёқишим мумкин.

Йигласанг-да, тугамас алам,
Томирингда оқмоқда ҳижрон.
Мени менга ишонган олам,
Энди қайтиб бермас ҳеч қачон.

Энди қайтиб бермас ҳеч қачон,
Йигласанг-да, тугамас алам.
Томирингда оқмоқда ҳижрон,
Мени менга ишонган олам.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ

ЭГАРСОЗ

Мўъжазгина устахонанинг саҳни саранжом-саришталиги, токчаларга керакли кўплаб асбоб-ускуналар батартиб териб қўйилгани эътиборингизни тортади. Биргина арра ва ранданинг беш-олти тури мавжуд. Бир чеккада ёнғоқ, кўк терак ва тол дарахтларидан қирқиб олинган ёғоч бўлаклари уюми. Улар силлиқланиб, бўлакларга ажратиб қўйилган.

Эгнидаги оқ яктаги ўзига ярашган устанинг қўли-қўлига тегмайди. Тайёрланаётган буюм уч бўлак, яъни қош, карсон ва қоқмоқдан иборат бўлиб, михсиз, чармсиз бир-бирига бириктирилди. Бу жараёндан сўнг буюм эҳтиёткорлик билан чархга тутилиб, силлиқлаб чиқилди. Сўнгги босқичда у янги кўриниш касб этиб, гунафша ранг олди. Ота-боболаридан мерос ҳунарни уста янгича қараш ҳамда замонавий йўналишлар билан бойитиб бораётгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

Бу Бахмал тумани Новқа қишлоғидаги Сафарбой Қурбонов устахонасидан шингил кўриниш.

Эгарсозлик Сафарбой Қурбонов учун ота касб дедик. Устанинг фарзандлари Инъомжон, Отабек, Алишер ва Аббосларнинг ҳам касб маҳоратлари ошиб бормоқда. Эндиликда уларнинг ёнига набиралари ҳам қўшилди.

Уста Сафарбой Қурбонов ҳунармандчилик анъаналарини эллик нафардан зиёд ёшларга ўргатган. Шогирдлари олтмиш уч ёшини қаршилаётган устозни тез-тез йўқлаб туришади.

Новқа қишлоғининг каттаю кичиги Сафарбой амакини «уста эгарсоз» деб алқашади. У бир неча бор турли кўрик-танловларда иштирок этган.

Қурбоновлар хонадонида икки асрлик эгар асраб-авайлаб сақланмоқда. Сариқ мисдан безак бериб ишланган узангиларни кўриб, ҳайратланасиз. Шунингдек, кумушдан ясалган балиқбоши, илонбоши каби тақинчоқлар билан безатилган нўхта, юган, кишан каби от-улов анжомлари ҳам уларга бобосидан мерос бўлиб қолган. Қадимда эгар, узанги, нўхта, юган, кўм, зул, жабдуқ кабилар бир той нархига тенг бўлган.

– Ота-боболаримиз нўхта ва юганларни асл чармдан тайёрлашган, – дейди уста. – Сувлиғи сариқ мисдан бўлиб, йўрға от уларсиз минилмаган. Отга жабдуқ ва қўмдан сўнг эгар босилиб, устига зул ёпилиб, абзал билан маҳкамланади. Чевар тикувчи онахонларимиз томонидан жило бериб тўқилган хуржунда товланиб турган қуёш, зангори осмон, етти турдаги камалак ранглари ва нақшлар ўзгача кўринади.

Жиззах вилоятида от-улов анжомлари ичида Новқа эгаридан ўтадигани йўқ. Унга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Устага, ҳатто, қўшни вилоятлардан, қўшни республикалардан ҳам буюртмалар тушиб туради.

Уста 2022-2024 йилларда «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совринларни қўлга киритди ва республика босқичида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллиги нишонланган байрам арафасида уста эгарсоз Сафарбой Қурбонов Президентимизнинг Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Буларнинг барчаси устанинг меҳнати қадр топаётганидан далолатдир.

Абдулла САИДОВ

Эълон

18.03.1993 йилда Князев Юрий Георгиевич номига берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи №11-01/6266 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раиси Кудбиев Шерзод Давлатовичга отаси, иқтисод фанлари доктори, профессор

Давлатбой КУДБИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ тумани кенгаши раиси

Абдурашид Маллабоевич ЯКУБОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва таълим муассасаси касаба уюшмаси профессор

Муҳаммадаваз Турсунович ИРИСҚУЛОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Азиз газетхон!

Марокли дам олинг!



Шерали Жўраев ижросида

«Биринчи муҳаббатим» қўшиғи

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зуҳро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Руҳимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Абдулла Орипов шеъри.